



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 30 март, № 61 (5735)

Шанба

## Эътибор, имконият ва рағбат

туфайли тадбиркорлик ҳаракати тобора ривожланиб, иқтисодийимиз тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда



Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилган "Ташаббус — 2013" кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Таъкидлаш керакки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандчилик соҳалари давлатимиз

ҳамда жамиятимиз ривожда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Янги иш жойлари яратиш, аҳоли даромадларини барқарор ошириш ва турмуш

фаровонлигини таъминлашда уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётгани бунинг яққол далилидир. Мисол учун, 2000 йилда республикамиз ялпи

ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткич 54,6 фоиз-

га етди. Шунингдек, ушбу соҳанинг саноатдаги улуши 22,2 фоизни ташкил қилгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 75,7 фоизини қамраб олгани ҳам кўп нарсани аңлатади, албатта.

Бундай юқори натижаларга эришишда, шубҳасиз, Президентимиз ташаббуси билан ўрта синф вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга қўшимча имтиёзлар берилаётгани, энг асосийси, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани муҳим омил бўлапти. Зотан, "Ташаббус" кўрик-танлови ҳам шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр ичида у тадбиркорлик ҳаракатини кенгроқ ёйиш, мулкдорларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, ёшларнинг бизнесга бўлган иштиёқини оширишга хизмат қилаётган муҳим тадбирга айланди. Нега деганда, у тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар учун наинки беллашув, балки ўзаро тажриба алмашиш, фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жорий этиш, жаҳон бозорига чиқишда пиллавога вазифасини ўтайтиш, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 3-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 29 март кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликка риоя қилинишининг аҳоли ва бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботини тинглашдан бошладилар. Қайд этилганидек, мустақиллик кўлга киритилган дастлабки кунларданок инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, қонун ижодкорлиги фаолиятининг мақсади ва мазмунидир.

Инсон манфаатлари устуворлигини, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини мустаҳкамлаб қўйдиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қондаларига мувофиқ, Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича катта ҳуқуқий база яратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ташкилий-ҳуқуқий механизми тизимий шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича мил-

лий марказ, «Ижтимоий фикр» маркази ҳамда бошқалар ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Суд ҳокимиятини мустақамлаш, суднинг таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячиси бўлиб хизмат қилаётган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш бўйича комплекс чоралар қўрилган. ННТ, бошқа фуқаролик жамияти институтлари демократик кадрларни, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Ҳисоботда кўрсатиб ўтилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш прокуратура органлари фаолиятининг мазмуни ва шакллари жиддий ўзгарибди, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини кучайтирди. 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиши прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармонида мувофиқ, прокуратура органлари таркибиде Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тузилди.

(Давоми 2-бетда).

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШХТга аъзо давлатлар ҳудудида озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўша чора-тадбирлари тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан терроризмга, сепаратизмга ва экстремизмга қарши курашиш бўйича тадбирлар; терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий актлар, ўқув материаллари ва махсус адабиётлар; террористик ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган портлатиш воситалари, куроллар, ўқ-дорилар, захарловчи ва бошқа моддаларнинг ягона реестрлари тўғрисидаги низоимлар тасдиқланди.

Экспертларнинг чегара масалалари, халқаро террористик ташкилотларга ҳамкорликда қарши курашишни мувофиқлаштириш борасидаги иш режалари тасдиқланди.

Терроризмга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ШХТ МАТТ билан МДХ Терроризмга қарши курашиш маркази ўртасида ШХТ ва МДХга аъзо мамлакатлар ҳудудида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулланди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, таълим тизимини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислох қилишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қайд этилган меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли Фармонига биноан, олий тиббий маълумот халқаро стандарт — икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи — бакалавриятда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлири қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиена-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратура 46 тур мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутди. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисос-

лаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда. Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда гоят муҳим аҳамият касб этди.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртлирида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини

лаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда гоят муҳим аҳамият касб этди.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртлирида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини

фойдаланишга топшириш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётди.

Шу билан бирга, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлири клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль таълимни жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида катта ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда).

## Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш

ёрқин келажагимизнинг мустаҳкам асосидир

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида ўсмир ёшдаги шахматчиларимизнинг ўтган йили эришган катта ғалабалари миллий спортимиз тарихида том маънода ёрқин из қолдирадиган воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

### ФАХР

Дарҳақиқат, 2012 йилда тўққиз яшар жажигина шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган, дунёнинг 126 мамлакатидан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан, ёш спортчимиз Нафиса Мўминова эса Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро

шахмат федерацияси — ФИДЕнинг халқаро гроссмейстер, деган юсак унвонига сазовор бўлган барчамизнинг қалби-мизга чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини бағишлади. Ҳаёт ҳақиқати шундаки, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди ёки бошқача айтганда, осмондан тушиб қолмайди. Қаердаки, соҳа ривожига давлат томонидан эътибор қаратилса, зарур шарт-шароитлар

яратиб берилса, ўша жойда ўсиш бўлади, ижобий натижалар кузатилади. Бу жиҳатлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз ҳаётини исботини топди. Бугун ёшларимизнинг халқаро миқёсда кўлга киритаётган ютуқлари, айтиш мумкинки, бевосита Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юсак эътиборнинг ёрқин медаларидир.



Мақоланинг давомини ва болалар спортига бағишланган махсус саҳифани 4-бетда ўқийсиз.

Шоҳроҳ ШАРАПОВ ошан сурат.



2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида "Аутизмга чалинган болаларга ёрдам қўлини чўзинг!" деб номланган акция бўлиб ўтди.

БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АКЦИЯ

"Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга шифокорлар, педагог-психологлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, чет эллик мутахассислар тақлиф этилди. "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л. Каримова-Тиллаева 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази имконияти чекланган ўғил-қизларни тиббий, педагогик-психологик реабилитация қилиш, кучли ижтимоий ҳимоялар, уларнинг жамиятга интеграциялашувиغا яқиндан қўмақлашиш, жумладан, аутизм ҳасталигига чалинган болаларга коррекцион-даволаш муолажаларини кўрсатишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган доимий эътибор, уларнинг ҳеч қандам кам бўлмаган ўлгайиши учун барча имконият яратилаётгани муҳим омил бўлаётди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ

туфайли тадбиркорлик ҳаракати тобора ривожланиб, иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, республика Фермерлари кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси, шунингдек, тегишли вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги кўрик-танлов ўта қизгин ва юқори савияда ўтди. Унинг саралаш босқичларида 7 мингдан ортиқ тадбиркор, фермер ва хунармандлар қатнашгани ана шундан далолат беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир ой давом этган ўзига хос бизнес-форум жадал суръатларида ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодиётининг чинакам кўзгусига айланди. Сабаби, танловнинг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичлари доирасида ўтказилган кўргазмалар ярамқа савдолари тусини олди. Буни ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги, уларнинг рақобатбардорлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори қийматга эга саноат маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бораёпти. Утган йили экспортда соҳанинг улushi 15,8 фоизни ташкил қилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Юқурий босқичда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида самарали фаолият юритаётган, иқтисодий кўрсаткичлари юқори, маҳсулотлари бозор талабларига мос, экспортбоп, аҳоли бандлигига муносиб ҳисса қўшаётган, қисқача айтганда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга хизмати сингаётган 41 нафар тадбир-

кор, фермер ва хунарманд олий мукофот — Президент соврини учун беллашди.

... Соат 18:00. "Ташаббус — 2013" республика кўрик-танлови ғолибларини аниқлаш ва тантанали тақдирлаш маросими бошланди.

Сухандонлар танловнинг якуний босқичи иштирокчилари номларини эълон қила бошлади. Саҳнага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган дастлабки босқичларда сараланиб, энг илгор деб топилган иштирокчилар чиқи келди. Йигилганлар уларни гулдрос қарсақлар билан олқашди.

Юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, барчага ибрат бўлаётган ана шу тадбиркор, фермер ва хунармандлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ, Минглаб даъвогарлар орасидан иқтисодий ютуқлари билан танловнинг якуний босқичига етиб келишнинг ўзи юксак шарафдир.

Айниқса, кейинги йилларда қишлоққа саноатни олиб кириш, маҳалларини ободонлаштириш, ҳудуд қиёфасини замонавийлаштиришда фермерларнинг роли тобора ошиб бораётгани диққатга сазовор. Бу борада Юртимизнинг "Фермер бой бўлса — мамлакат обод бўлади", деган пурмаёно сўзларидан келиб чиқиб, фермер ҳўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, соҳанинг ҳуқуқий асос ва қаролларини яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

Пировардида одамларнинг мулка эгаллик ҳисси кучайиб, фермерлик ҳаракати қудратли ижтимоий-иқтисодий кучга айлиниб бормоқда. Буни



кўрик-танлов иштирокчилари фақат деҳқончилик билангина чекланиб қолмай, балки бошқа тармоқлар ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Тадбир асосида улар томонидан аҳолига етказиб берилаётган гўшт ва қолбаса, сут, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек, енгил саноат ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан янги-янги дунёнинг пойтахтиимиз аҳолиси ва меҳмонлари бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Фермерларда истеъмол маҳсулотларини бежирим дизайнда қадоклаш ва юксак дид билан тақдим этиш маҳорати ошиб бораётгани ҳам қувонарлиқдир. Зеро, бу чекка ҳудудларда тадбиркорлик ҳаракати тобора буй чўзаётгани, бизнес маданияти ошиб бораётганининг амалий исботидир.

Ҳаёжонли даққалар бошланди. Нафақат танлов иштирокчилари, балки муҳташам саройда йигилган киши-

ларнинг барчаси интиқлик билан кўрган онлар тобора яқинлашмоқда. Ҳаммани бир савол қизиқтиради: Президент совринлари — Асақадга автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 3 та "Spark" автомашинаси қимматга насиб этар экан?

Анъанга мувофиқ, "Ташаббус — 2013" республика кўрик-танлови ғолиблари учта асосий, шунингдек, бир қатор қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

Ва ниҳоят, улар саҳнага чиқдилар. "Ташаббус — 2013" республика кўрик-танловида Андижон туманидаги "Rubber Trast" хусусий корхонаси раҳбари Абдулхалим Исмоилов "Энг яхши тадбиркор", Ҳўжайли туманидаги "Азамат" фермер ҳўжалиги раҳбари Байрамқилич Дўдабаев "Энг яхши фермер", Бўҳоролик уста хунарманд Маҳфуза Салимова "Энг яхши хунарманд", деган номга лойиқ топилди. Уларга Президент совраси — "Spark" автомобиллари топширилди.

— Президент соврини минглаб тадбиркорлар ичидан менга насиб этгани, бу — энг олий бахт, — дейди "Энг яхши тадбиркор" йўналишида биринчи ўрин соҳиб бўлган Абдулхалим Исмоилов — Ушбу юксак мукофотни Обод турмуш йилида қўлга киритганим, билсангиз, унутилмас воқеа бўлди. Шундай эътирофга муносиб бўлишга, билдирилган ишончли тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириб, меҳнат муваффақиятларимиз билан оқлашга, юртимиз иқтисодиёти ривожига, аҳоли турмуши фаровонлигига муносиб ҳисса қўлишга бор куч-гайратимни бағишлаймиз.

Асосий йўналишлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринли қўлга киритганлар диплом, пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, "Энг ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ешларга энг қўп иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши солиқ тўловчи", "Менинг юртим — менинг ифтихорим" сингари қўшимча номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, рағбатлантирилди.

Соврин мукофотлар муборак бўлсин, тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар!

Мамлакатимизнинг гуллаб-гашнаши, иқтисодиётимизнинг гуркураб ривожланиши, турмушимизнинг обод бўлиши йўлида ташаббус кўрсатишдан ҳеч қачон толманг, фидойи ва танти ишбилармонлар!

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шумурот ШАРҒАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Малакали мутахассислар

банк хизматлари сифатини оширишда катта аҳамиятга эга

Маълумки, банк ва миқоз ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида тарғибот-ташвиқот ишларининг алоҳида ўрни бор. Яъни мутахассислар аҳолини уларга банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки миқозларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақидаги маълумотлардан бохабар қилиб борсагина, ўзаро ҳамкорлик мустаҳкам бўлади. Албатта, бунинг учун банк ходимлари ҳам етарлича билим ҳамда кўникмага эга бўлиши лозим.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Таъкидлаш жоизки, "Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банкида ходимларнинг малакасини ошириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Бунда жорий йилнинг 18 февралда Республика Маънавият тарғибот маркази билан келишилган ҳолда, йил давомида ўтказиб бориладиган тадбирлар дастури тасдиқлаб олингани айни муддао бўлаётди. Гап шундаки, мазкур дастур асосида банкнинг марказий идораси ходимлари учун йил давомида турли мавзуларда маърузалар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб бориш режалаштирилган. Ана шу тадбирларнинг долзарб мавзуларда бўлишига ҳамда республикамизнинг таниқли санъат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг

2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиш-

фармойишлари ҳамда Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича Банк ўқув маркази томонидан 2013 йилнинг биринчи ярим

Qishloq Qurilish Bank

ларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, ўқув машғулоти, "Обод турмуш йилида оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида анжуманлар уюштирилган бўлса, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини ҳамда янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз байрами ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.

Бундан ташқари, банк мутахассисларининг билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида молиявий муассаса фаолиятига доир қабул қилинаётган қонун, қарор ва

йиллиги учун режа ишлаб чиқилган эди. Шунга мувофиқ, Банк ўқув марказида 11-14 март кунлари банк филиалларининг масъул ходимлари учун "Ижро ҳужжатлари назорати ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш масалалари" мавзусида икки

Мухтасар айтганда, "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ходимларнинг касбий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини ошириш, уларга молиявий муассаса фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида тушунча бериш ишларининг мунтазам олиб борилаётгани самарали бўлаётди. Малакали мутахассислар томонидан сифатли банк хизматлари кўрсатилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Банк матбуот хизмати.

«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШҚГА қарашли

«POLIETILEN QUVURLAR» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиетилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиетилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.

Маҳсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.

Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.

«POLIETILEN QUVURLAR» ШМ миқозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка тақлиф этади.



210609, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabort qo'rg'oni. «Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi. Tel: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe\_plast@mail.ru web-sayt: pe\_plast.uz

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик «Ўқув таълим таъминот» давлат унитар корхонасининг

«ТАЪЛИМ ТАЪМИНОТ ЖИҲОЗ» РЕСПУБЛИКА ФИЛИАЛИ

2013/2014 ўқув йили учун маҳсулотларни (ўқув қуроллари, дарслиқлар, қишки кийим-бошлар, мебель ва бошқалар) республикамиз вилоятларига етказиб бериш бўйича

усти ёпиқ автотранспорти бўлган автокорхоналар ўртасида

танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган автокорхоналар қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари лозим:

- қўрсатиладиган автотранспорт хизматлари тавсифномаси (калькуляция) (қонунда белгиланган тартибда харажатлар ёйилмаси билан);
— маҳсулотларни етказиб бериш автотранспорт хизматлари бўйича республиканинг ҳар бир ҳудуди ҳиссидида ва умумлаштирилган нарх тақлифи;
— хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қуввати;
— транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарга берилган лицензия, гувоҳнома нусхалари (аслига тўғрилиги муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган сандан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 229-04-94, 229-12-28. Факс: (+99871) 229-04-62.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 12 апрель кунини соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичида-босқичи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Бешарик тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 4 июндаги 15-12-05/18936-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешарик тумани, Бешарик шаҳри, «Файзобод» МФЙ, Анҳор кўчасида жойлашган, Ўзбекистон — Лихтенштейн «Besh-Kraft-Ex» ОАЖга тегишли бўлган, қурилиш майдони 2650,43 кв.м., фойдаланиш майдони 2369,35 кв.м., 0002, 0003, 0004, 0005, 0012, 0015 ва 0020 литерлардаги бино-иншоотлар.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳонддин Марғиниёни кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.

ТАШКИЛОТ

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 14 мартдаги 50-сонда чоп этилган «УСТ-56 ва УСБ-56 туридаги брезентли палаткалар» етказиб бериш бўйича эълон қилинган тендер мўдлати 2013 йил 8 апрель соат 18.00 гача узайтирилганлигини маълум қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Туркий тиллар кафедраси профессори Зилола Худойберганава падади бузруквори

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Криминалистика кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Ғофир АБДУМАЖИДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш

## ёрқин келажагимизнинг мустаҳкам асосидир

(Давоми. Бошланғич 1-бтда).

Келинг, умидли ёш спортчи-миз Нодирбекнинг жаҳон чемпионатидаги иштирокини ёдга олайлик. Эйтиб орайлик: у бирор марта ҳам мағлубиятга учирамади. 9 партияда галабага эришди ва икки баҳсда дуранг натижага қайд этди. Очиғи, мусобақа аввалида хорражлик муҳлису мутахассислар Нодирбекнинг иқтидорига унчалик эътибор қилишмаганди. Чунки ўзаро суҳбатларда "Ким жаҳон чемпиони бўлиши мумкин?" деган саволга кўпчилик Европа чемпиони, ФИДЕ устаси, болгариялик Цветан Стояновни бош совринга асосий давовгар сифатида эътироф этаётганди. Бундан ташқари, Осиё чемпионати совриндори, эронлик Мухаммади Арбати Пойнинг имкониятлари ҳам юқори баҳоланганди. Ана шундай муносабатлар қаршида ёш вакилимиз ўзини йўқотиб қўймади. Билимини ишга солиди, ақл-идроқига таяниб, ҳар бир партиядо ўзига хос тактика қўлади ва бирин-кетин рақибларидан очколарни тортиб олаверди. Айниқса, Цветан ва Мухаммади усти-

дан қозонилган галабалар Нодирбекнинг ўйин услубига бўлган қизиқишни кучайтирди.

— Жаҳон чемпионатида голиб чиқиш қийинлигини билардим, — дейди ҳозир пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 152-мактабда тахсил олаётган умидли спортчи. — Чунки бундай мусобақаларда кучсиз рақиб бўлмайди. Шунга қарамай, менинг ҳам ўз орзуларим бор эди — юртимизга чемпион бўлиб қайтишни ният қилгандим. Шу боис ўзимни қўлга олиб, диққат-эътиборимни жамладим. Бир-икки турдаги галабадан руҳланиб, ўйинимни бўшаштириб юборганим йўқ. Хуллас, ҳаракатларим натижа берди ва яқунда олтин медални қўлга киритдим.

— Ўзбекистон — бекиёс имкониятлар юрти, деган таъриф жуда тоғиб айтилганига ҳам қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин, — дейди жаҳон чемпиони Осиё Фазлиддин Очилов. — Қаранг, фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Ундан, албатта, самарали фойдаланиш керак. Мен ҳам ўғлимни бирор-бир спорт тўғрисида берсам, деб ўйлаб юргандим. Нодирбек шахматни танлади. Ва, албатта, ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов сингари машҳур гроссмейстер бўлишга сўз берди. Шунинг учун уни пойтахтимиздаги 15-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўлимига

етақлаб бордим. Айтиш жоизки, мазкур даргоҳдаги шарт-шароитлар, малакали мураббийларнинг сабоқлари бўлажак чемпиони улкан марралар сари руҳлантирди. Қолаверса, мураббий Равшан Шуку-

ров унинг маҳорати ошишида бор билим ва малакасини аямади. Ўз устида тинимсиз меҳнат қилган Нодирбек аста-секин мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга кирита бошлади. Табиийки, кетма-кет юксак натижаларни қайд этаётган ёш шахматчи терма жамоа мураббийлари эътиборига ҳам тушди. Ва у халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини химоя қилиш имкониятига эга бўлди. 2011 йилда Нодирбек икки бор Осиё чемпионатида совриндорлар сафидан жой олди. Дастлаб мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган китъа биринчилигида иштирок этиб, олтин, кейин эса ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медални соҳиб бўлди. Бундан таш-

қари, Санкт-Петербургда ташкил этилган халқаро турнирда зафар қўчди.

— Нодирбекни илк бор кўрганимдаёқ иқтидорли эканлигини пайқадиман, — дейди мураббий Равшан Шукуров. — Шу боис у билан кўпроқ машғулотлар ўтказардик. Қилган меҳнатларимиз бесамар кетмаганидан, она-Ватанимиз шанини халқаро майдонларда улуғлашга қодир спортчининг тарбиялашга ҳисса қўшганидан хурсандман. Ишончим комилки, Нодирбек келажақда кўпдан-кўп нуфузли мусобақаларда голиб чиқади.

Дарҳақиқат, ёш шахматчи келгусида катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпионлигини қўлга

киритишни мақсад қилган. Бунга эришишига ҳам шубҳамиз йўқ. Чунки ундаги ғайрат ва шишхоат ана шу марраларни забт этишга етади.

— Нодирбекнинг жаҳон чемпионатида эришган ютуғидан бир қувонган бўлсак, Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мажлисида уни алоҳида эътироф этганликларини эшитиб, бошимиз кўкка етди, — дейди жаҳон чемпиони Осиё Марзая Марзая Очилова. — Ота-она учун бундан ортиқроқ бахт борми дунёда?! Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз ёшларига оталарча меҳр кўрсатаётган Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирамиз. Барчамизнинг бахтимизга доимо соғ-омон бўлсинлар.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон, унинг бағрикенг, меҳмондўст халқи ҳақида жуда кўп эшитгандим. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг мамлакат спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада болалар спортини қўллаб-қувватлаётгани тўғрисида кўзга кўринган мутахассислар, тажрибали ҳамкасбларим доимо ҳавас билан сўзлаб беришарди. Шу боис менда бу гўзал юртга бўлган қизиқиш ортди.

# Эзгу интилишлар мамлақати

Омадни қарангки, мураббий сифатида ишлаш учун менга айнан Ўзбекистондан, Андижон вилоятдан тақриф тушди. Бажонидил рози бўлдим.

Таърифлаганларича бор экан: бу ерда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган сёбсат нафақат шаҳарларни,

балки энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олганига амин бўлдим. Ёшлар учун барча шарт-шароит яратилган. Қайси ҳудудга борманг, албатта, муҳташам спорт мажмуаси, стадион, сузиш ҳавзаси ёки теннис кортига кўзингиз тушади. Уларда минглаб болаларнинг спорт билан шуғулланаётгани ҳавасингизни келтиради. Андижон шаҳридаги "Ёшлик" спорт саройи, Олимпия захиралари спорт коллежи, шаҳар ва туманлардаги замонавий сузиш хавзалари бири-бирдан ажойиб. Қанча таърифни келтирсанг, шунча оз.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш мақсадида Президент ташаббуси билан алоҳида жамғарма тузилгани ҳам ибратли тажрибадир. Унинг фаолият бошлаганига ўн йил тўлибди. Ба-

жарилган ишлар салмоғи эса кишида ҳам ҳавас, ҳам ҳайрат уйғотади. Мана шу даврда мингдан ортиқ болалар спорт объекти барпо этилибди, кўплаб спорт иншоотлари реконструкция ва капитал таъмирдан чиқарилибди. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилибди. Шу биргина мисол орқали Ўзбекистон ёшларининг бугун халқаро спорт майдонларида эришяётган ютуқлари пойдевори ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлдим.

Спортни қадрлайдиган, истеъодли ўғил-қизларга бой бўлган юртда фаолият юритиш катта шараф. Шундай экан, бор билим ва тажрибамни ишга солиб, андижонлик ёшлар орасидан сузиш бўйича жаҳон ва Олимпиада ўйинлари совриндорлари этишиб чиқишига астойдил ҳаракат қиламан.

Марио ФРАНЧИ, сузиш бўйича италиялик мураббий.

Сўнгги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорт объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 спорт зали барпо этилди. Буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилган.

Ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шишхоатини намойён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовор. Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медал соҳиб бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. 1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган.

Болалар спорт объекти, авваломбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарнинг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиҳдий қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони, 2003 йил билан солиштирганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Спортнинг Сирли



Бадий гимнастика қизлар учун энг мақбул спорт туридир. У қадди-қоматни гўзал қилади, нафис ва назокат билан ҳаракатланишга ўргатади, мушак фаолиятини яхшилайди, фикрлашни тиниқлаштиради, мусиқа ва рақсга бўлган қизиқишни оширади. Буларнинг барчаси қизларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишига ёрдам беради.

# Нафосат ва Назокат мактаби

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида бадий гимнастика бўйича жойларда худудий федерациялар ва марказларнинг ташкил қилингани натижасида ушбу нафис спорт тури билан муносабат шуғулланаётган қизлар сони кескин ошганини алоҳида қайд этиб ўтди. Эътибор беринг: агар 2003 йилда республикамиз бўйича, бор-йўғи, 1700 нафар қиз бола бадий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингга етди.

Фикримизни Навоий вилояти мисолида давом эттирайдиган бўлсак, бу ерда бадий гимнастика йўналишида салмоқли ютуқлар қўлга киритилгани, ўзига хос мактаб яратилгани бугун кўпчиликка маълум. Чунки воҳада қамолга етиб, халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб химоя қилаётганлар орасида XVI Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиббаси, жаҳон кубоги мусобақалари совриндори, XXX ёғи Олимпиада ўйинлари иштирокчиси Ульяна Трофимова, қатор халқаро турнирлар ва чемпионатлар совриндори Зарина Қурбонова каби юксак истеъод соҳибалари бор. Хўш, бундай муваффақиятларнинг сирини нимада? Гап шундаки, мазкур

бадий гимнастика сирларини ўрганиш учун имконият яратиб бераётганларнинг фикрига қулоқ солсангиз, ҳеч қанча вақт ўтмай болаларни саломатлигида, юриш-туришида, ўқишида ижобий жиҳатлар кўзга ташлана бошлаганини айтишарди. Бундай илқ муносабатлар, шубҳасиз, спортнинг мамлакат миқёсида оммалашшида катта ўрин тутди. Бинобарин, Ўртбошимиз ҳаётини

Рақамларга мурожаат қилсак: Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан буюн ўтган давр мобайнида Навоийда 69 та спорт иншооти барпо этилди. Агар 2003 йилда вилоятда, бор-йўғи, 300 нафар қиз бола бадий гимнастика билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони қариб беш минг нафарга етди. Ўн йил аввал ҳудудда 12 нафар бадий гимнастика мураббийи фаолият юритар эди. Эндиликда 123 нафар аёл спорт устаси ёшларга сабоқ бермоқда.

— Мураббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари устувор вазифаларимиздан, — дейди Навоий вилояти гимнастика федерацияси директори Шахло Нарзиева. — Айни шу мақсадда яқинда халқаро қондалар бўйича мураббий-ўқитувчилар учун ўқув-семинар ташкил этилди. Бундай саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини бераётти. Авваломбор, ота-оналар фарзанд тарбиясида спортнинг ўрни бекиёс эканлигини чуқур англаб етишаётти. Айниқса, қизларига

қилиб таърифлаганларидек, "болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб қамол топишига хизмат қилади, қатъият, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона энгиб ўтишга қодир инсонлар ташкил этилди. Бундай саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини бераётти. Авваломбор, ота-оналар фарзанд тарбиясида спортнинг ўрни бекиёс эканлигини чуқур англаб етишаётти. Айниқса, қизларига

Азизат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўртбошимиз фарзандларимизнинг спортга қизиқишини, интилишини ёш болалик давридан уйғотиш келгусида кўпдан-кўп эзгу мақсадларга пойдевор бўлиб хизмат қилишини бот-бот таъкидлайдилар. Яқинда ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари яна шу хусусда тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, тавсияларини билдириб ўтди.

# Муваффақиятлар пойдевори

Дарҳақиқат, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни воёга етказиш давлатимиз сийёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Хоразм вилояти ҳам ёшларни ана шундай хислатлар соҳиб бўлиб қамол топтиришга алоҳида аҳамият қаратаётти. Хусусан, вилоятда кейинги йилларда бунёд этилган 87 та спорт иншооти ва мактаблардаги спорт залларида йўлга қўйилган машғулотларда 142 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу жараёнда, айниқса, қизларнинг фаолиги кўзга ташланапти.

Болаларда жисмоний машғулотларга эрта ёшдан қўйишни шакллантириб бориш мақсадида мактабга таълим муассасаларида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Воҳада 250 та ана шундай маскан мавжуд бўлиб, улардаги 24336 нафар ўғил-қизга 2405 нафар педагог ходим таълим-тарбия бераётти. 56 нафар жисмоний тарбия йўриқчиси эса эртаимиз эгаларини спортга қизиқтириш учун жалб этилган. Ҳозир 15 га яқин мактабга

таълим муассасасида спорт заллари бор, 6 тасида эса гимнастика заллари ташкил қилинган. Болалар бадий гимнастика, шахмат-шахка, кураш, каратэ каби спорт турлари сирларини астойдил ўрганишмоқда.

Яқин йиллар ичида вилоятдаги барча мактабга таълим муассасаларида болалар учун спорт заллари ҳамда спорт майдончалари ташкил этиш кўзда тутилган. Айни пайтда мазкур режани амалга ошириш чора-тадбирлари кўриломоқда. Хусусан, яқинда ана 15 нафар жисмоний тарбия йўриқчиси ишга қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мактабга ёшдаги болалар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида Хоразмда турли мусобақалар ўтказиш ҳам яхши анъаналарга айлиб бормоқда. Хусусан, "Кичкинтой — ширинтой", "Соғломжон — полвонжон", "Шахмат" сингари турнирлар мурғак қалблар учун илк парвоз майдони вазифасини ўтаётти.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



Сўнгги ўн йилда 14 ёшга бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кўзатиш мумкин. Уларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Агар 2003 йилда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган йигитлар юртимизда 67,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 82,5 фоизга етди.

"Бобожон, мен Ўзбекистон чемпиони бўлдим!" Спортдаги илк муваффақиятнинг ҳаяжон билан айтар эканман, бобом пешонамдан ўпиб, дуо қилди: "Илоҳим, замонамизга кўз тегмасин! Омадларингни берсин!" — Бизнинг болагимиз тирикчилик ташвиши билан ўтган, — баъзан дардли ҳикоясини айтади бобом. — Бугунгидек имкониятлар у

# Иқболимиз ёруғ, аҳдимиз қатъий

ёқда турсин, чор-атроф бийдай дала бўлгани учун, ҳатто, оддий стадионни ҳам орзу қилолмасдик. Бугун замон ўзгача. Мустақиллик замони! Қишлоқларда қурилаётган бири-бирдан муҳташам спорт қошоналарини мактаб, коллеж ва лицейларни қўриб, қўзинг қувнайди. Бундай имкониятларнинг қадрига етиш, унга муносиб бўлиш керак! ...Шундан буюн неча бор Ўзбекистон биринчилиги, халқаро мусобақаларда иштирок этган бўлсам, бобомнинг дуоларини эслаб, руҳим кўтарилди. Спорт соҳасини танла-

шимга ҳам аслида улар сабабчи бўлганлар. Спортга оид кўрсатувни телевизорда кўрган бобом "Қани эди, невараларим орасидан ҳам чемпион чиқса", дея орзу қилганларини онам айтгандилар. Ўзимда ҳам иштиёқ балоғат эмасми, онамга "Спортчи бўлиб, ана шу истакни амалга ошираман", дедим. Ота-онанинг маслаҳатлари билан спорт мактабига қатнаш бошладим. Нокамтарликка йўлмангун мактабда ўқиб юрган пайтимаёқ спортнинг дзюдо тури бўйича анча танилиб қолгандим. Чунки таълим маска-

нимизда мазкур спорт турини ўргатишга алоҳида эътибор билан ёндашилди.

Сўнгра пойтахтимиздаги Олимпия захиралари спорт коллежидан тахсил олиш жараёнида вилоят, республика, шунингдек, халқаро миқёсда ўтказилган бир қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдим. Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига қабул қилинганлигим ва "Спорт устаси" унвонига лойиқ топилгани маъсулиятимни янада оширди. 2008 — 2012 йиллар давомида 5 карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, Бирлашган Араб Амириклари, Эстония, Тайландда бўлиб ўтган халқаро

Жорий йил ҳаётимда яна бир унутилмас воқеа юз берди. Мен Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз ёшлари учун таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат муқофотига лойиқ топилдим. Бу ишонч ва эътибор зиммамга янада юксак масъулият юклайди. Ниятим, билдирилган ишончни ўз меҳнатим, ташаббусим ва спортдаги галабаларим билан оқлаш.

Ирода МАТМУРОДОВА, Жиззах давлат педагогика институтининг Жисмоний маданият факультети 3-босқич талабаси.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН КЎЗЕМАЛАР тақриз қилинайдими ва муаллифга қайтарилмайдими.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер маркасида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40

Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5